

6-1-2019

INVESTMENT ACTIVITIES OF COMMERCIAL BANKS

D. Azimova

Tashkent State University of Law

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Azimova, D. (2019) "INVESTMENT ACTIVITIES OF COMMERCIAL BANKS," *International Finance and Accounting*: Vol. 2019 : Iss. 3 , Article 6.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss3/6>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

INVESTMENT ACTIVITIES OF COMMERCIAL BANKS

The article examines the terms and conditions for improving the investment activity of commercial banks, and provides general recommendations and practical recommendations for improving the efficiency of commercial banks' commercial activity.

Key words: active investment policies, investment efficiency, investment process, investment project, bank liquidity, capital adequacy ratio, loan investments.

In order to ensure sustainable growth of the economy of the republic it is necessary to intensify structural transformations, develop high-tech production, modernize and modernize the industrial sectors. This requires substantial investments, and commercial banks play an important role in this process. Because in our country commercial banks are the main investment institutions.

The concept of investment in banking practice, in particular, means the transfer of the bank's assets to a long-term prospect for earnings. All banking operations related to the investment of banks by investments are called banks' investment activity. For example, their investment activity includes operations on lending to fixed assets of enterprises, along with securities placement. Thus, commercial banks may also invest their funds into real assets together with financial assets.

It is well known that the active participation of commercial banks in investment processes plays an important role in the modernization of the economy and the economic potential of the country. G.G.Korobova believes that the bank's investment operations "include the placement of money and other resources of the bank into securities, real estate, enterprises' authorized capital and other depositary assets, whose market value is likely to grow and dividends to the bank, interest income and income when reselling"¹.

N.N.Simonyants describes the investment activities of commercial banks as "financing of investment projects of universal and specialized commercial banks on the basis of credit and share-based investment projects, organization and placement of securities in the primary market, asset management, investment company management, real estate transactions, consulting - dealing with brokerage and dealer transactions. The same opinion is expressed by V.V.Kovalev: "Investment banks help to realize the primary placement of financial obligations. By placing these obligations at a fixed price through dealer or broker role, the seller reduces the risk of emission"

The primary purpose of commercial banks' investment activity is to ensure their profitability and liquidity (ability to timely meet the bank's obligations). Investment policy of commercial banks in the economies of the developed countries is one of the main directions of banking activity and plays a key role in ensuring banks' liquidity. In the world practice investment activity of banks is carried out by means of various securities: simple and privileged shares, bonds, government debt instruments, deposit certificates, promissory notes and others.

¹ Basic course on the securities market: studies. allowance / O.V. Lomtadze, M.I. Lvova, A.V. Bolotin, et al. M.: KnoRus, 2010. - p. 120

In separate countries, the development of the banking system and the types and extent of the operations carried out by the banks, their investment activities may be diverse, and the share of revenues generated by these types of operations may vary. For example, in the practice of American banks, investing in government securities representing short-term debt obligations typically yields lower revenues, but they have high liquidity and the risk of nonrepayment is zero and the risk of change in the market rate are smaller securities. Long-term securities are highly profitable, so banks keep them for a long time. Banks also invest their funds in the municipalities' securities as the interest paid on them is not taxable. In order to ensure its liquidity, banks place a small amount of securities into other securities: certificates of the bank, commercial securities market, brokerage loans and commodity-credit corporation certificates. In order to ensure profitability, banks risk their liquidity by investing in bonds of some government institutions and first-tier corporations.

In developed countries, investment activities of commercial banks are the second source of credit in the structure of bank revenues in terms of earnings. The efficiency of commercial banks' investment activity is influenced by a number of economic and organizational factors. Among these factors are the following:

- sustainable development economics of the state;
- availability of various forms of ownership in goods and services, including the priority of private and joint-stock forms of ownership in the bank;
- Availability of strict and functioning credit and financial system;
- availability of modern and developed securities market;
- existence of legal acts and procedures controlling securities market participants and participants of the securities market;
- Applying the circulation of high quality securities, which are in the practice of conducting international investment activity of commercial banks;
- availability of highly qualified specialists and entrepreneurs for the sphere of investment activity and the securities market, their preparation and others. The stakes of the types and groups of securities are dependent on the market value of the investment portfolio of banks. On the other hand, the following factors change. These are interest rates, interest rates, interest on promissory notes, dividend stock and demand for securities.

In order to maintain its high efficiency, liquidity and liquidity in the conditions of the market economy, the commercial bank has always been one of the central issues of investment activity - the issues of meeting the interests of the depositors and satisfaction of disparate interests between the shareholders and to ensure that it meets the interests of all parties. The discrepancy between the parties in these relationships is reflected in the contradiction between the bank's liquidity and the profitability of the banking operations.

In fact, this contradiction is almost always reflected in every operation of the bank. On the one hand, the shareholders want to earn a lot of money, which means the bank should invest in long-term securities, and on the other hand, the depositors should be able to repay their deposits promptly. The conflict between liquidity and profitability determines investment risk and can be considered as a probability of a

commercial bank's ability to reach high yields without lowering liquidity. The following risk factors can be encountered in the investment activities of commercial banks: These are credit, market and interest rate risks.

Credit risk is related to the financial condition of the issuer of the securities issuer, which is not able to meet the financial obligations. In addition, credit risk also depends on the ability of the government and government agencies to repay loans.

The ability of the state to obtain not only loans but also to pay for its obligations is important for the government to set up securities markets and to operate exactly for the entire financial and credit mechanism. The essence of the market risk is associated with unexpected changes in the securities market, resulting in some securities being valued as investment objects, it will only be possible with a big discount.

The commercial bank's ability to put its capital into investment activity at the expense of its own liquidity and profit-making promises a large or small investment risk in the bank. In this case, the investment activity of commercial banks is related to the risks of active operations with securities. This, in turn, requires the management of the bank to develop a clear tactic, strategy and action plan, that is to say, an investment policy. In world practice commercial banks have extensive experience in investment. Therefore, the "golden rule of investment" has been developed to implement the investment policy of commercial banks, taking into account the main goals, objectives, factors, strategies and tactics of investment activity, based on the achievements in world practice. According to him, "income from securities is always proportional to the level of risk that the investor is facing to obtaining this income."

Basing on the principles of investment activity and the major factors in investing in securities, each commercial bank, based on the relationship between profitability, liquidity and risk, understood or understood the effects of these factors, good or bad. This, in turn, means the bank's investment risk to a certain extent in the investment policy of the bank and means the necessity to develop appropriate measures in the investment policy of the commercial bank.

(Full article is available in Uzbek)

Тошкент давлат юридик университети
катта ўқитувчиси
Азимова Дилафруз Мирзатуллаевна

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Мақолада тижорат банклари инвестицион фаолиятини такомиллаштириш шарт-шароитлари ва омиллари тизимли тартибда тадқиқ этилган бўлиб, тижорат банклари инвестицион фаолият самарадорлигини оширишга доир умумий таклиф ва амалий тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: фаол инвестицион сиёсат, инвестицион самарадорлик, инвестициявий жараён, инвестицион лойиҳа, банк ликвидлиги, капитал монандлик коэффиценти, кредит қўйилмалари.

ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ

В статье рассматриваются условия совершенствования инвестиционной деятельности коммерческих банков, даются общие рекомендации и практические рекомендации по повышению эффективности коммерческой деятельности коммерческих банков.

Ключевые слова: активная инвестиционная политика, эффективность инвестиций, инвестиционный процесс, инвестиционный проект, банковская ликвидность, коэффициент достаточности капитала, кредитные вложения.

КИРИШ

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш орқали макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш жараёнида инвестицион фаолиятни ташкил этиш ва самарадорлигини ошириш, фаол инвестицион сиёсатни ташкил этиш чора-тадбирларини тизимли тартибда ошириб бориш муҳим аҳмиятга эга. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида қуйидагича тўхталиб ўтган эди: «Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболага бўлмайди... Биз фақат инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришга эришамиз»[1].

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, мамлакатимизда самарали инвестиция сиёсатининг амалга оширилиши; иқтисодиётни модернизациялаш шароитида реал сектор базавий тармоқларининг барқарор суръатларда ўсиши ва макроиқтисодий мутаносиблигини таъминлаш, аҳоли бандлигига кўмаклашиш, экспорт қилувчилар, саноатнинг

етакчи тармоқлари корхоналари ҳамда кичик бизнесни аниқ манзилли қўллаб-қувватлаш имкониятини яратади.

Ўз навбатида инвестицион фаолият самарадорлигини таъминлаш инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг ташқи омиллари билан бирга ички омилларидан ҳам мақсадли фойдаланишга йўналтирилган комплекс чоратадбирларни тизимини ташкил этишни талаб этади. Айниқса, бу борада тижорат банкларининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, инвестициявий жараёнларда тижорат банклари иштирокини фаоллаштириш зарурати иқтисодиёт ва банк тизимининг ўзаро боғлиқликда самарали ривожланиши билан белгиланади. Умумий ҳолда инвестициявий жараёнларда банклар иштирокининг асосий йуналиши инвестициявий мақсадларга тижорат банклари маблағларини йўналтириш, инвестициявий характердаги кредитларда улушли иштирок этиш ва қимматли қоғозларга маблағларни қўйишни ўз ичига олади.

Тижорат банкларининг инвестицион фаолияти узоқ муддатли мураккаб жараён ҳисобланиб, ушбу жараён макроиқтисодий ва инвестицион муҳитнинг ҳолати, банк фаолияти қонунчилиги, банк ресурс баъзасининг тузилмаси, таркиби ва ҳажми, унинг ривожланиш мақсадларига мувофиқ вазифаларга йўналтирилган активларнинг даромадлилиги каби қатор омилларга боғлиқ бўлади. Шу сабабдан, мазкур омиллар таъсири остида тижорат банкларининг инвестицион фаолият самарадорлигини ошириш билан боғлиқ чора-тадбирлар тизимини такомиллаштириш бугунги кун мамлакатимиз иқтисодиёти олдидаги долзарб иқтисодий вазифалардан бири ҳисобланади.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

Тижорат банклари томонидан инвестицион фаолиятни олиб бориш жараёнида банк даромадлилиги ва ликвидлигини таъминлашга доир қатор илмий тадқиқотлар Ж.Розенбаум, Ж.Пеарл[2], Д.Ананд, А.Галетовик[3], Дж.Синки[4], С.Жеффер[5], Х.Девис[6] каби қатор хориж иқтисодчи олимлари томонидан олиб борилган.

Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришни кенгайтиришда тижорат банкларига жалб қилинган маблағлардан фойдаланиш имкониятлари Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги олимлари Я.М.Миркин[7], К.В.Кочмола[8], А.В.Рамазанов[9] ва бошқалар томонидан амалга оширилган.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари Н.Ғ.Каримов[10], И.Л.Бутиков[11], Д.М.Расулев[12], А.Омонов, Т.Қоралиев[13], О.У.Мамадиёров, Б.О.Турсунов[14], У.А.Бурхоновлар[15] томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда тижорат банклари ресурсларидан самарали фойдаланиш йўналишларига доир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган. Ушбу тадқиқотларнинг илмий-амалий аҳамияти бозор муносабатлари шароитида тижорат банклари инвестицион фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, иқтисодий ислохотларни либераллаштириш жараёнида банк тизимини ислох қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция

лойиҳаларида тижорат банклари фаолиятини кенгайтириш билан боғлиқ йўналишлар тадқиқ этилмаган.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда замонавий банк хизматларини ривожлантиришда тижорат банклари капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш, шунингдек, молиявий хизматлар ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш, шунингдек капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришда муқобил манба сифатида инвестиция бозорини ривожлантириш каби қатор вазифалар белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2344-сон Қарорининг қабул қилиниши билан юртимиз банк тизимини ривожлантиришнинг келажакдаги режалари белгилаб берилди. Хусусан, мазкур Қарор билан Марказий банкка банк назорати бўйича Базель кўмитасининг Базель-III стандартларини 2015-2019 йилларда босқичма-босқич жорий этиш вазифаси юклатилди.

Республика банк тизимида кредитлаш механизмини такомиллаштириш ва соддалаштириш борасида самарали тадбирларнинг изчил ва узлуксиз равишда амалга оширилиши натижасида ушбу кўрсаткич бўйича мамлакатимиз рейтинги сўнгги 3 йил ичида 112 поғонага кўтарилди. 2018 йилнинг октябрь ойида чоп этилган ҳисоботга кўра кредитлаш шартлари бўйича сўнгги уч йилда мамлакатимиз рейтинги 113 поғона, яъни 154-ўрндан 42-ўринга кўтарилди. Хусусан, ушбу кўрсаткич бўйича кўтарилиш 2015 йилда 24 поғона, 2016 йилда 25 поғона ва 2017 йил якуни бўйича 63 поғонани ташкил этди[17].

2015-2019 йилларда мамлакатимиз банкларининг ликвидлиги ва капитал монандлигини, бошқариш усуллари ва механизмларини белгиловчи меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда юқори ликвидли активларнинг соф чиқимга нисбати сифатида аниқланувчи ликвидлиликни қоплаш меъери коэффицентини жорий қилиш, капитал таркибини ўзгартириш ва регулятив капиталнинг монандлик коэффицентини 10 фоиздан 14,5 фоизга босқичма-босқич ошириш, таваккалчиликка тортилган жами активларнинг 3 фоиздан кам бўлмаган миқдорда консервация буфери ташкил қилинишини ҳисобга олган оlish, биринчи даражали капиталнинг монандлик коэффицентини 15 фоизга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилинган бўлиб, мазкур чора-тадбирлар тизимининг самарали ижроси тижорат банкларининг инвестицион фаолиятини такомиллаштиришни талаб этади.

Юқоридаги ҳолатлар мамлакатимизда тижорат банкларининг инвестицион фаоллигини ошириш шарт-шароитлари ва омилларидан самарали фойда-

ланишни талаб этади. Фикримизча, тижорат банклари инвестицион фаолиятига таъсир кўрсатувчи омиллар қуйидаги тизимли тартибга эга (1-расм).



Манба: Таҳлил маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

1-расм. Тижорат банклари инвестицион фаолиятига таъсир кўрсатувчи омилларнинг тизимли тартиби.

Ушбу омиллар орасида мамлакатимиз тижорат банкларида банкларнинг ресурс базаси ва банкларнинг капиталлашув даражаси етакчилик қилади. Сўнгги йилларда мамлакатимиз аҳолиси ўртасида тижорат банклари фаолиятига ишонч кўламининг ортиши, аҳоли омонатларининг сезиларли даражага ўсиб боришига таъсир кўрсатди. Натижада, ЯИМ таркибида банк активлари нисбатини ижобий ўсиш кўрсаткичини қайд этди. Таҳлил натижаларига кўра, 2018 йил 1 январ ҳолатида ЯИМ таркибида банк активларининг нисбати 55,1 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2019 йил 1 январда 52,6 фоизни қайд этди. Мазкур давр оралиғида кредит қўйилмаларининг ЯИМга нисбати 36,5 фоиздан 41,1 фоизга ортди (1-жадвал).

1-жадвал

2018 йил 01.01 га нисбатан 2019 01.01да банк тизимининг иқтисодиётдаги ўрнини таққослама кўрсаткичлари (млр.сўмга нисбатан, фоизда)[16]

Кўрсаткичлар номи	01.01.2018 й	01.01.2019 й
ЯИМ	302 536,8	407 514,5
Банк активлари	166 631,8	214 419,6
Активларнинг ЯИМга нисбати, фоизда	55,1	52,6
Кредит қўйилмалари	110 572,1	167 390,6
Кредит қўйилмаларининг ЯИМга нисбати, фоизда	36,5	41,1
Депозитлар	59 578,7	70 001,4
Депозитларнинг ЯИМга нисбати, фоизда	19,7	17,2
Капитал	20 676,1	26 678,9
Капиталнинг ЯИМга нисбати, фоизда	6,8	6,5

Бу борада асосий муаммо мамлакатимиз банклари учун инфляция даражаси ва тижорат банклари ўртасида рақобат муҳитининг мавжуд эмаслиги орқали намоён бўлади. Ушбу муаммолар банк рисклари бошқарувининг микродаражадаги аҳамияти оширади, натижада қимматли қоғозлар бозорининг иккиламчи бозори ривожланиши сустлигича қолади. Мавжуд муаммолар тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминланганлиги, банкларнинг аҳоли ва мижозлар олдидаги мажбуриятларини тўлиқ бажариш имкониятини бериши ва уларнинг ишончи мустаҳкамланганлигини, банкларнинг иқтисодий жиҳатдан тегишли иқтисодий манфаатдорликни олиши ва кўплаб бошқа жиҳатларни тизимли тартибда бартараф этишни талаб этади.

Фикримизча, бу каби мавжуд муаммоларнинг самарали ечимини шакллантиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

- тижорат банкларининг инвестицион фаолиятини кенгайтиришда ҳажмларини ошириш жараёнида уларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш;

- тижорат банклари инвестицион фаолиятини такомиллаштиришда банклар томонидан узоқ муддатли депозит сертификатларини чиқариш, аҳоли ва юридик шахсларнинг муддациз депозитлари ўрнига узоқ муддатли депозитларини кўпроқ жалб қилиш лозим. Бунда асосан, ҳар хил имтиёзларни жорий қилиш, жозибадор омонат турларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ;

- тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операцияларини кенгайтириш, хусусан бу борада қимматли қоғозлар бозорининг иккиламчи бозорини ривожлантиришга эътибор қаратиш;

- узоқ муддатли ресурсларни кўпайтириш учун, авваламбор, банкларни капиталлашув даражасини ошириш, кейин банклар томонидан узоқ муддатли депозит сертификатларини чиқариш, аҳоли ва юридик шахсларнинг муддатсиз депозитлари ўрнига узоқ муддатли депозитларини кўпроқ жалб қилиш даркор. Бунга ҳар хил имтиёзларни жорий қилиш, жозибадор омонат турларини таклиф этиш орқали эришиш мумкин;

- инвестицион лойиҳа молиялаштирилгандан кейинги даврда лойиҳа бўйича амалга оширилаётган ишларни, лойиҳага ажратилаётган маблағлар мақсадли сарфини доимий равишда таҳлил қилиб бориш, лойиҳа ишга тушурилгандан сўнг даромадлар киримини ўз муддатида амалга оширилиши, муддати ўтган дебиторлик-кредиторлик қарздорликларига йўл қўймаслик чораларини кўриб бориш;

- инвестицион лойиҳаларни молиялашда юзага келадиган банк рискларини бошқаришни микродаража ва макродаражада кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://uza.uz/oz/politics/uzbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliyasy-28-12-2018>
2. J.Rosenbaum, J.Pearl. Investment Banking. John Wiley & Sons, Inc, 2009, P.88
3. D.Anand, A.Galetovic. Investment Banking and Security Market Development: Does Finance Follow Industry? Harvard: HUP.2001, P. 9.
4. Дж.Синки. Управление финансами в коммерческих банках.–М., Catallaxy, 2004. – 820 с.;
5. S.Jaffer. Islamic Investment Banking: Emerging Trends, Developments and Opportunities. London, Euromoney Institutional Investor PLC, 2012 – P. 21
6. H.Davis.The Definition of Structured Finance. Results from a Survey.The Journal of Structured Finance. – 2015 – №3 – P.5-10;
7. Я.М.Миркин. Рынок ценных бумаг. Учеб. пособие.– М., 2012–256 с.
8. К.В.Кочмола. Инвестиционная деятельность коммерческих банков. – М., Контур. 2010 – 144 с.
9. А.В.Рамазанов.Направления регулирования инвестиционной активности участников фондового рынка. Экономика и управление. 2013. №1 (12) –119 – 121 с.
10. Н.Ф.Каримов. Ўзбекистон Республикасида инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш йўллари. Монография.–Т., 2007, 212 б
11. И.Л.Бутиков. Проблемы формирования и функционирования рынка ценных бумаг в Узбекистане. ТМИ. диссертация д.э.н. – Т., 2009 – 416 с.
12. Д.М.Расулев. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш босқичида инвестицияларни молиялаштиришни эконометрик моделлаштириш (банклар инвестиция мисолида). и.ф.д. дисс.– Т., 2003 – 252 б.
13. А.Омонов., Т.Қоралиев. Пул, кредит ва банклар. Дарслик.–Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2012 йил, 388 бет.
14. О.У.Мамадиёров, Б.О.Турсунов. Ўзбекистонда банк тизимини ривожлантириш истикболлари. Илмий рисола. –Т., «Фан ва технологиялар». 2016 йил, 56 бет.
15. У.А.Бурхонов. Инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда капитал бюджет тузилишининг услубий жиҳатлари. Экономика и финансы. – 2013 – № 9, 41 - 46 б.
16. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Статистик бюллетени. –Т., 2019 йил, 47 бет.
17. www.lloydsbank.com/international- Жаҳон банки расмий ахборот сайти